



Бухоройи Шариф билодида факирнинг ота кадрдон бир ошнализ бўлур эрди, ўзи бисёр алломай замон ва яна содот(Содот — саййидлар, мўтабар одамлар. (Мухаммад пайгамбар авлоди).) наслидан эрди. Аммо дарсгўйлик касби бирлан машгул эрди. Ва лекин шул фурсатларда ул азизга хозирги дорул-хукумат(Дорул-хукумат — пойтахт-хукумат уйи.) харомзодаларидан кўб захмат ва аламлар етубдир ва яна миёнада ул бепархез харомзодалар ул бечора мулла Аброрхўжа хожиул-харамайн буродаримизга беҳад зўрликлар килубдирлар. Факир бул замонанинг хукуматдор бўлган харомзодаларига хайрон бўлурманким, бир бегунох одамнинг фарзандини закўнчи

килурман, деб ва яна хирсхоналарга зўрлик тарикасида ўқушга юбориб кўб бесаранжомликлар килур эрканлар. Ва яна ул харомзодалар фикр килмас эрканларки, бизнинг бул ислом мамлакатларида закўнчи ўруслар бисёрдир. Бас, бирар закўн айтмак эхтиёжи тушканда ўшал ахли кафара(Кафара — кофирлар.) закўнчиларининг биттасига бир андак маблагини бериб, закўн айтдирилса иш халос, наинки мулла Аброрхўжа хожи мударрисдек кишиларнинг фарзандларини зўрлик тарикасида Тошканд ва Масткўф хирсхоналарига(Хирсхона — фохишахона.) жўнатиб ва яна бир мусулмонни андог ташвишларга кўйиб. Сони шулки, хукуматдорликка етишкан амирларнинг таомили боин тарика бўлмас, аввало фукародин таноб ва закот тарикасида солик олгайлар, сони, мамлакатнинг мухофазати учун бир лак, икки лак сарбоз саклагайлар, учланчи, раиятнинг осойишига кўшуш килгайлар, чахорум, умури диния(Умури диния — диний ишлар.) масалан мадраса ва вакфларни ўз сохибларига топширгайлар, панжум, намоз, рўза, закот яъни аркони исломнинг(Аркони ислом — ислом рукнлари — Оллохга имон келтириш, намоз, рўза, закот, хаж.) назорати важхига бир раиси забардастни мухтасиб(Мухтасиб — шаърий урф-одатлар, маросимларни назорат килувчи махсус лавозим.) таъйинлагайлар ва яна бул мухтасибнинг ужраси(Ужра — маош.) дорул-хукуматдин бўлгай: шашшум, улуламир бўлмиш фориғбол айшу ишратда бўлгай, башарти пирликка етишкан бўлса уламолар бирлан сухбат туткай. Амирларнинг вазифалари мана ушбулар турур, нучукким, ўтмиш султон-салотин, хокон-хавокин, аъни Норбўтахон,(Аъни — яъни.) Олимхон,(Норбўтахон — Хожибекнинг ўгли, Абдурахмонбийнинг невараси. 1770—1800 йилларда Кўкон хони бўлган.) Умархон,(Олимхон Норбўтахон ўгли (1775—1811) 1798—1811 йилларда Кўкон хони бўлган, укаси Умархон ўлдиртирган деган гап юради.) Ботирхон,(Умархон Норбўтахон ўгли (1785—1822) Олимхоннинг укаси, 1811—1822 йилларда Кўкон хони бўлган.) Маъдалихон,(Амир Баходир Ботирхон — Насруллохон (1826—1860 йилларда Бухоро амири) назарига айтилиувчи лакаб.) Шералихон,(Маъдалихон (Мухаммадалихон) Умархон ўгли (1806—1842) 1822—1842 йилларда Кўкон хони бўлган. Насруллохон ўлдирган.) Худоёр(Шералихон — Норбўтахоннинг акаси, 1842—1845 йилларда Кўкон хони бўлган, Олимхон-нинг ўгли Муродхон ўлдиртириб, ўзи хам ўн бир кундан сўнг тахтдан махрум бўлган.) ва Маллахонларнинг(Маллахон — Худоёрхоннинг акаси, 1856—1858 йилларда Тошкент хокими бўлган, Худоёрхонни тахтдан кувиб 1858—1861 йилларда Кўкон хони бўлган. Маллахонни 1861 йили ўз одами Алимкул бошлик кипчоклар ўлдирган.) таомиллари ушбу эрди. Аммо фукарога мундог зулми раво кўрмас эрдилар. Ва лекин ул азиз кадрдонимиз бул зўрликдин бисёр ранж тортуб Бухоройи шарифнинг ижроиясига бир ариза бериб, аммо ул бепархез(Бепархез — тийиксиз, нопок.) хукуматдорлар илтифот килмаганларида мазкур аризанинг нусхасини факирга пўчтавойдин юбориб, мадад сўрабдир. Аризанинг нусхаси ушбу турур (айнан):

«Бухоройи шариф ижроиясига

Хазрат Шайх Шамсиддин кулол, рахматуллохи алайхи авлодларидин мулла Аброрхўжа хожи мударрис, эшони пир набиралари мулла Асрорхўжа судур (ОФУР — катта амалдор, вазир, Бухорода энг юкори диний илмий унвон.) ўгли тарафидин камоли эхтиром ила хузурингизга арз шулким, дуогўйни дунё тирикликда бир ўглим бордирким, исми Хўжа Мухаммад Бокий, умри гўё сабаби тамоми хаётим ва асосу маишату рўзгорлигим ушбу ўглимни хузуримга бўлурга вобастадир. Биз факирни касби дехкончиликдур. Ўн саккиз нафар кабиру сагир нонхўрдурмиз, хаммамизга шул ўглимни

саъйи ва кўшуши билан бўлган сабабдур, бозор ва хариду фурўхт шул бачани ихтиёрида эрди. Бул ожизи нотавони дуогўй аз аввал дар умури дунёким иштигол эрдук. (Аз аввал дар умури дунёким иштигол эрдук — аввалдан шу иш билан машгул эдик.) Хозирда мазкур Хўжа Муҳаммад Бокий хонаи дорул-хукумат тарафидин амр беруб, Тошкандга ўкутмок учун юбордилар. Ба сад ажз (Ба сад ажз — бир неча бора.) маълум килдук ва ахли хукуматларга ҳам хўб маълумдур. Бул маъни бутун факири дуогўйни маъюс этиб, ниҳоят андух ва махзунликда колдим. Алхамдулиллох, жаноби азиз ва мухтарам саодатпанох гул-шанларини фаҳмида килуб, (Саодатпанох гулшанларини фаҳмида хилуб — Оллохнинг марҳаматини тушунган холда.) шукри ба даргоҳи кози-юл хожот (Шукри ба даргоҳи козиюл-хожот — хожатларни чиқарувчи (Оллохнинг сифати)га шукур килиб.) этиб, умид ила маъруза килурманки, кодиру бофазл ҳакимдурлар. Амр килсаларки, кайтариб олиб факири нотавонни хурсанд килуб бизга топшурсалар топкай нафси ҳақларинда икки живор зоти шарифда (Топкай нафси ҳақларинда икки живор зоти шарифда — килган ёрдамлари эвазига дуо ва расулга сигиниб туриб.) дуо хайриятларин килурман, илоҳи оллох таоло максудот ва муродот дорайн некини (Максудот ва муродот дорайн некини ҳосил килсун — орзу ниятларини ва ҳар икки дунё яхшилиқларини берсин.) ҳосил килсун, омин, ба ҳақки раббил оламин ал факир, ал факир, ал факир». (Ал фаҳир — кулингизман.)

Эй калам тебраткучи азиз кадрдоним, Бухоройи шарифда мундог бепарҳезлар хукуматдорликка миниб сизнингдек ахли илмларга озор берган бўлсалар уларнинг ҳам жазоларини бергучи қаххори зулжалол (Қаххори зулжалол — худонинг сифатларидан бири.) эгам бордир. Аммо бизнинг Тошканд шаҳрида ҳам ўшал Бухоройи шарифдаги бепарҳез ҳаромзодаларнинг бир тойифаси хукуматдорлик киладирлар. Ул ҳаромзодалар бундаги сиз ва бизга ўхшаш ахли илмларнинг фарзандларимизни зўрлик бирлан хирсхоналарда закўн ўкутиб, занона (Зан — аёл, хотин.) сочлар кўйдириб ва яна кўтоҳ кийимларга одатландириб, фиску-фасодга ривож берадирлар. Биз ахли илмлар бўлсак, уларга қарши сўз айталмай гўшаларда зор-зор йиглаб маишат килурмиз. Аммо бундаги фиску-фасод ашаддий даражага етди, болшавой хотунлар пайдо бўлуб, кўчаларда эркақлардек бараҳна (Бараҳна — яланғоч.) юруйдурлар ва яна ёш кизларни йўлдан оздириб хирсхоналарга бошлайдирлар, шарму-хаё йўк, парҳез (Парҳез — кўркиш, хайкиш.) йўк, бул ходисалар ҳаммаси киёматнинг аломатиму, деб бисёр кўрқадирман. Бо ин хама факир ул ҳаромзодалар ила азбаройи муросасозлик учун «хапа» килуб, пурс-порслар бирлан навъи тириклик килурмиз. Аммо ёзган маърузангизда ул фосикларга саодати дорайн (Саодати дорайн — ҳар икки дунё саодати, яхшилиги.) талабида бўлганлигингизнинг маъносига дархол вакиф бўлуб, муросасозлик тарикасида айтилган деб билдим, илло ул бепарҳез хукуматдорларга саодати дорайн талабида бўлмок куфр бўлур эрди, хоказо ахли куффорга ва лекин мусулмон фарзандидан чикган муртадлардан (Муртад — диндан кайтган.) жаҳаннам оташи ҳам ҳазар килур эркан. Аммо маърузангиз бисёр фасих (Фасих — равон.) ёзилган эркан, ўқуб хузурлар килдим. Башарти ул ердан бирар иложининг имкони бўлмаган бўлса, факир бул жонибда (Жониб — томон, тараф.) чизи ҳаракат килуб кўргайман ва яна «Муштум» китобининг мусаннифи бирлан ҳам андақ алоқамиз бордир. Бул маънида унинг бирлан ҳам суҳбатлашгаймиз. Аммо маърузангизни бул ердаги хукуматдорларга ушлаб юриш бисёр ҳавфлик кўринадир, зероки, ул ҳаромзодалар андақ сабабини айтиб дархол камокка олмокдин ҳам тоймаслар, баҳархол аёлманд одамга тинчлик ганиматдир. Оллоҳи таоло сиз кадрдонимизга сабр бериб, ул золимларнинг жазоларини берсун, омин, ба хурмати

Китмир, Китмир, Китмир. (Китмир — ривоятларга кўра, бир гуруҳ йигитлар золим ҳоким зулмидан дину имонларини саклаш учун кочиб бир қаҳфга — горга яширинадилар. У йигитларга Китмир номли ит ҳам эргашиб, горга кириб жаннати бўлган экан. Яхшиликни қабул бўлишида, ёмонликни қайтаришда ўкиладиган дуоларда ана шу саҳобаларни ёди каторида ушбу итнинг номи ҳам эсланади.)

Камина домла маъ бужур (Маъ бужур — маъ би жавр — жабр кўрган.) мулаккаб (лакабланган.) ба Калвак махдум ибн мулла Салимсок Охунд мударрис мархум Шоший Накшбандий.

Бу маҳола аслида махзум пгогам томонидан мулла Аброрхўжа домлага ёзилган бир мактуб эди. «Калам учи» бериш ваъдаси билан мактубнинг бош томонига бир мукаддима ёздириб ҳам мулла Аброрхўжанинг маърузасини айнан кўчиртириб олдим ва «Муштум»га юбордим. Агар мувофик кўрсангиз, ўқугучиларингизга такдим қилурсиз. Ва яна махфий ҳолмасунким, домланинг «хотира дафтари»ни бир неча кундан бери йўқотиб қўйиб, тополмай юрибман. Топкан кунимдан бошлаб бурунгича холи худрат кўчириб турарман.

Жулқунбой

«Муштум» — 1924 йил, 6 (26)-сон.

Абдулла Кодирийдан